

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВ ШУҲРАТ ТУРОБОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ**  
**ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Маматкулов Шухрат Туробович**

Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг

ижтимоий-фалсафий таҳлили..... 3

**Маматкулов Шухрат Туробович**

Социально-философский анализ повышения активности молодежи

в Узбекистане ..... 23

**Mamatkulov Shukhrat Turobovich**

Socio-philosophical analysis of increasing the activity of young people in

Uzbekistan ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВ ШУҲРАТ ТУРОБОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ**  
**ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal78 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Бекдавлат Алиевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадивич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
**Ўтамуродов Акбар Ўтамуродович**  
фалсафа фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ш.Ш. Негматова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Х.А. Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.Р. Самадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда жамият ҳаётининг барқарорлигини таъминлаш ва демократик кадриятларни қарор топишида ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтириш ҳар қачонгидан муҳим бўлиб бормоқда. Зеро, ёшлар ижтимоий фаоллигининг ўсиши нафақат инсоният тараққиёт даражасини, балки инновацион муҳитда дунё халқларининг маънавий дунёсини шакллантиришда алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам, бугунги кунда ёшлар фаоллигини юксалтириш билан боғлиқ янгича прагматик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ҳамда уни рўёбга чиқариш йўллари такомиллаштириб бориш объектив аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг назарий-фундаментал, амалий-методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёшлар ижтимоийлашувини таъминлаш, маънавий-интеллектуал кадриятлар тизимини юксалтиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг фаол ҳаракат компонентлари классификациясини ишлаб чиқишга доир илмий изланишлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, миллий манфаатлар тизимидан келиб чиққан ҳолда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда ёшлар ҳаётининг фаолиятининг сифат кўрсаткичларини белгилаш даражасининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилиш заруриятини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимизда халқнинг бой интеллектуал-маданий мероси ва умумбашарий кадриятлари асосида ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини юксалтириш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамыз. Нафақат давом эттирамыз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамыз”<sup>1</sup>. Бу вазифаларни амалга оширишда энг аввало, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг янгича дунёқарашини шакллантириш усул-воситалари, механизмлари ҳамда қонуниятларини такомиллаштириш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз -Т.: Ўзбекистон, 2016. 14-б.

Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида” қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшлар дунёқарашини юксалтириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантиришга барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, юнон файласуфи Сукрот жамиятнинг энг катта муаммоси ёшларнинг онги ва уларнинг ахлоқида жамият тараққиётига даҳлдорлик туйғусини тарбиялашдан иборат деб таъкидлаган. Арастунинг бахт-саодат келтирувчи инсоний хислатларни ўзида яхлит ҳолда акс эттирувчи ақлий фазилатлар яхши хулқ-одатлардир<sup>2</sup>, деган ғояси ёшларнинг ахлоқий тарбиясида билимнинг қадриятли мўлжалларини тўғри белгилашни тақозо этади. Ёшлар фаоллигини ижтимоий-фалсафий юксалтириш аҳамияти тўғрисида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ва бошқа мутафаккирлар<sup>3</sup> ижодида очиб берилган.

Хорижлик олимлардан Э.Дюркгейм, А.А.Зеленин<sup>4</sup>, Т.Парсонс, К.О.Апелем, П.Бурдые, И.Валлерстайн, А.В.Луков<sup>5</sup>, ва бошқалар ижтимоий фаоллик тизимининг иқтисодий йўналишида тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонлик файласуф олимлардан Э.Қодиров<sup>6</sup>, И.Саифназаров, Ф.Саифназарова<sup>7</sup>, В.Кўчқоров<sup>8</sup> ва бошқалар ўз тадқиқотларида ёшларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги муносабатлари, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби айрим масалаларга алоҳида эътибор берганлар. Шу боис ёшларга ижтимоий ҳаётда тўлақонли

<sup>2</sup> Аристотель. Никомахова этика. Сочинения. Том. 4.-Москва: “Мысль”, 1983. -С.173.

<sup>3</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: “Ғофур Ғулом нашриёти”, 1993. -160 б., Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-жилд. –Тошкент: “Фан”, 1968. -486 б., Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. –Москва: “Наука”, 1980. –С. 478.

<sup>4</sup> Зеленин А.А. Критериальная модель оценки эффективности молодежной политики // Ползуновский вестник. Москва., 2006, № 3. -С. 90-96.

<sup>5</sup> Луков В.А. Теории молодежи: Междисциплинарный анализ. Канон -С. 2012. – 528

<sup>6</sup> Қодиров Э. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б.112.

<sup>7</sup> Саифназаров И, Саифназарова Ф, Ёшлар ва оила ватан таянчи. Т.: 2018. –Б. 85.

<sup>8</sup> Кўчқоров В. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилишнинг ғоявий-сиёсий асослари. Akademiya. -Т.: 2014. –Б. 185.

иштирок этиш учун давлат дастурлари, бир қатор фармон ва қарорлар чиқарилиб, жамиятнинг бу сиёсий қатламига алоҳида эътибор берилди бошланди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, мазкур мавзунини ўрганишда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳуқуқшунос, сиёсатшунослар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фан вакиллари, соҳа олимларининг хизматлари катта. Жумладан, ёшларни ҳар томонлама жамият қорига хизмат қиладиган инсон қилиб тарбиялашда жамият маънавий ва маданий тизимининг ўрни ҳам беқиёс ҳисобланади. Яъни, жамиятдаги кенг миқёсли ўзгаришлар маънавият, маданиятдаги ислохотлар билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ушбу жиҳати билан боғлиқ айрим масалаларни Х.М Тожибоева<sup>9</sup>, М.Маматов, О.М.Ғайбуллаев, Э.М.Абзалов<sup>10</sup>, З.Замонов<sup>11</sup> каби олимлар илмий ишларида тадқиқ этилганини қайд этиш мумкин.

Бугунги кунда ёш авлодда тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг ўз моҳиятини англаш қобилияти шаклланади. Агар инсон, миллат миқёсида ушбу қобилиятнинг шаклланишига, халқнинг ўз кечмишини билишига, ундан сабоқ олишига кенг имкониятлар яратилса, бундай халқ, миллат ёки элатнинг истиқболи ҳам буюк бўлади. Муаммонинг ушбу жиҳати билан боғлиқ айрим масалалар, хусусан, С.Отамуродов<sup>12</sup>, С.Комилова<sup>13</sup>, О.Ғайбуллаев, А.Мухтаров каби олимларнинг илмий ишлари тарихий ҳотиранинг ривожига сиёсий ва маънавий-маърифий омиллар таъсири масаласини ўрганишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот хулосаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий фаоллик шахс фаолиятининг барча муҳим томонларини ўз ичига қамраб олади. У нафақат шахснинг жамият ва жамоа ишларидаги фаол иштироки, балки маълум даражада сиёсий ва ахлоқий ўзликни англаш тамойилларига асосланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170929280 рақамли “Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш шароитида ёшларнинг толерантлик дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари қонуниятларини очиб бериш ва такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>9</sup> Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими. Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. –Т.: 2018.

<sup>10</sup> Абзалов Э.М. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари: Дис... юридик фан. номзоди; ЎзР ИИВ Академия -Т.: 2000. –Б. 153.

<sup>11</sup> Замонов З.Т. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида маънавий-ахлоқий институтларнинг ўрни. Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. –Т.: 2019. –Б 91.

<sup>12</sup> Отамуродов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. –Т.: 2015. –Б. 85.

<sup>13</sup> Комилова С. Ёшлар тарбиясида илмий меросимизнинг ўрни. –Т.: 2000. –Б. 20.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёшлар фаоллигини оширишнинг тарихий генезиси, шаклланиши ва эволюциясида стихияли-содда эмпирик даражадан рационал-конструктив босқичга ўтиш динамикасини ўрганиш;

ёшлар фаоллигини ошириш - фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий йўналиши эканлигининг функционал интеграциялашиш ва универсаллашиш жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилиш механизмларини асослаш;

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ёшлар масалалари билан доимий шуғулланиши заруриятини асослаш;

мамлакатимизда ёшлар фаоллигини оширишнинг истиқболли йўналишларини аниқлашга йўналтирилган концептуал назарий хулосалар, методологик таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини оширишнинг ташкилий-институционал тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини ривожлантириш қонуниятлари, хусусиятлари ва мезонларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, дедуктив мавҳумлаштириш, конкретлаштириш, умумлаштириш, тарихийлик ва мантикийлик, таққослаш моделлаштириш, факториал таҳлил, социометрик (сухбат, анкета, тест, интервью) каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Шарқ ва Ғарб ёшлари фаоллигининг динамик ўсиб бориш даражаси, ижтимоий-маънавий мезонлари замонавий жамиятда ёшлар фаоллигини оширишнинг яратувчанлик, ишбилармонлик ва инновацион фаолият каби уникал-функционал хусусиятлари билан алоқадорликда ривожланиши прагматик тарзда асосланган;

фуқаролик бурчини чуқур англашда зарур драйвер воситасини ўтайдиган шахсий мотивация ва интеллектуал ташаббускорлик тамойиллари ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда илмий-амалий компонентларга таяниши аксиологик ривожланиш қонуниятлари асосида очиб берилган;

ёшлар фаоллигини оширишда ночизиклилик, инклюзивлик модели, интерактив, диалогли ва гуруҳий мулоқотни ташкил этиш орқали ўзаро муносабатларни моделлаштиришнинг ижтимоий интеграцияси тўғридан-тўғри замон ва макон, сабаб ва оқибат атрибутив категорияларининг универсал дискурсига таяниши фалсафий жиҳатдан асосланган;

умумтаълим тизимида ёшлар фаоллигини ошириш юзасидан ижтимоий-сиёсий йўналишлар ва инклюзив ривожланиш йўлларининг иерархик равишда ўсиб бориши “таълим муассасаси ижтимоий интегративлиги - ижтимоий муносабат - инновацион муҳит” концептида очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёшлар фаоллигини ошириш сиёсати доирасида халқаро тажрибаларни умумлаштириш ва аниқлаштириш орқали Ўзбекистон ёшлар фаоллигини ошириш амалиёти юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

фуқаролик жамиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилувчи мутасадди институционал тизимини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллардан амалиётда кенг фойдаланиш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшлар фаоллигини ошириш феноменида, унинг объекти ва субъекти муносабатлари шаклланиши ҳамда ривожланиши тажрибасини билиш ва амалиётда қўллашга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, махсус нуфузли илмий журналларда чоп этилган мақолалар, диссертация хулосалари, ўзига хос прагматик характерга эга бўлган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, тадқиқотда қўлланилган ўзига хос фалсафий ёндашув ва усуллар, келтирилган таҳлиллар ва социологик сўров натижалари самарадорлигининг назарий ва эмпирик методлар воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларини ўрганишга янгича ёндашувлар асосида уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини аниқлаш борасидаги ижтимоий-фалсафий билимларни илмий-услубий жиҳатдан кучайтириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, давлат томонидан Ўзбекистонда ёшлар фаоллигининг институционал тизимини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатларни, дастур ва режаларни ишлаб чиқишда ҳамда мавзуга оид фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили доирасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Шарқ ва Ғарб ёшлари фаоллигининг ижтимоий-маънавий мезонлари (маънавий-интеллектуал эҳтиёж, рационал мақсад) замонавий жамиятда ёшлар фаоллигини оширишнинг структуравий-функционал хусусиятлари (яратувчанлик, ишбилармонлик ва инновацион фаолият) билан алоқадорликда ривожланиши қиёсий таҳлиliga оид илмий-назарий таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг “Маънавий-маърифий ишлар концепцияси”ни ишлаб чиқишда ва “Дунёни маърифат кутқаради” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 11 сентябрдаги 02/007-765-сон маълумотномаси). Натижада, марказ томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида

ёшлар фаоллигини ошириш, фуқароларнинг давлатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга нисбатан дунёқарашини ривожлантиришда, уларнинг мафкуравий иммунитетини, интеллектуал салоҳиятини ошириш амалиётида илмий-назарий манба сифатида хизмат қилган;

фуқаролик бурчини чуқур англашдаги шахсий мотивация ва интеллектуал ташаббускорликни шакллантиришда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш зарурлиги аксиологик ривожланиш қонуниятлари доирасида аниқланганлигига оид таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг “Ёшлар ва қонун” номли ҳуқуқий танлов концепциясини ва “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида “Уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизим самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлари” комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 4 сентябрдаги 04-13/2290-сон маълумотномаси). Натижада, Республика ҳудудида умумий жиноятчилик 13720 тага, жумладан, ёшлар (18-30) жиноятчилигини 12,9% га, вояга етмаганлар жиноятчилигини 16,1%га камайтиришга хизмат қилган;

ёшлар фаоллигини оширишнинг нозикли модели, интерактив, диалогли, гуруҳий мулоқотни ташкил этиш, ўзаро муносабатларни моделлаштириш хусусиятлари интеграциясига доир таклиф-тавсияларидан “Маънавият тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Комил инсонни шакллантиришда миллий ғоянинг ўрни” деб номланувчи 18-боби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 89-03-2883-сон маълумотномаси). Натижада, халқимизнинг тарихий-миллий қадриятлари, анъаналарига суянган ҳолда уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш асосида миллий ҳарактеримизга хос турмуш тарзини такомиллаштириш ҳамда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фаоллиги, фуқаролик бурчини юксалтиришга хизмат қилган;

умумтаълим тизимида ёшлар фаоллигини ошириш юзасидан ижтимоий-сиёсий йўналишлар ва инклюзив (ўзаро, биргаликда) ривожланиш йўлларининг иерархик (ҳар томонлама ўсиб боровчи) равишда ўсиб боришига оид таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 2019 йилнинг 11 октябрь куни “Халқаро қизлар куни” муносабати билан ўтказилган II-Республика қизлар фестивали дастур сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2019 йил 19 июлдаги 04-1412-19-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни, хусусан, қизларни юксак-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг кийиниш ва муомала маданиятини ошириш, онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ишларини тизимли амалга оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро 9 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда илмий жамоатчилик олдида кенг муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 номда илмий ишлар нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги илмий-амалий жиҳатдан асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари ҳамда мақсад ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, илмий ишнинг апробацияси, хориж ва республикада нашр этилган илмий ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар кўрсатиб ўтилган.

Диссертация ишининг **“Замонавий жамиятда ёшлар фаоллигини ўрганишнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланган биринчи бобида ёшлар фаоллиги тушунчасининг фалсафий таъриф ва таснифлари, Шарқ ва Ғарб ёшлари фаоллигининг ижтимоий-маънавий мезонлари ҳамда Замонавий жамиятда ёшлар фаоллигини оширишнинг структуравий-функционал хусусиятлари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Шахс фаоллиги муаммосига илмий қарашларнинг келгуси ривожланиши фаоллик ва фаолият (ҳаракат) тушунчалари нисбатини аниқлаш билан боғлиқ. А.Н.Леонтьевнинг фаолият (ҳаракат) назариясига кўра, инсон фаоллиги уч даражада намоён бўлади: фаолиятда, ҳаракатда ва иш хатти-ҳаракатни бажариш ва бошқа шу каби ҳолатларда ҳам кўринади<sup>14</sup>. Фаолиятнинг мураккаброқ бўлган даражаси ушбу даража ҳодисаси сифатида нафақат англанади, балки ихтиёрий тарзда англаш шаклига ўтади. Ҳаракатлар даврий тарзда мотивни амалга ошириш имконини бериш мақсадларига йўналтирилади. Иш хатти-ҳаракатни бажариш даражаси аниқ бир мақсадга эришиш шартлари учун ҳаракат қилишга мослашиш имконини беради. Шундай қилиб, мазкур назарияда фаоллик тушунчаси фаолият (ҳаракат) тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшларни давр юкини зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсон қилиб вояга етказиш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим вазибалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ёшларнинг замон талаблари асосида пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар

---

<sup>14</sup>Леонтьев А.А., Леонтьев Д.А., Соколова Е.Е.Предисловие // Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. -Москва.: Смысл, 2005. 19-с.

манфаатларини ҳар тамонлама муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда ўз ифодасини топган. Биргина “Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида 2017 йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди”<sup>15</sup>. Адолатли ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда фаровон ҳаёт даражасига эришиш – халқимиз интилаётган юксак марраларидир. Ушбу олий мақсадларга эришишда жамиятимизда ёшларнинг ўрни ва роли ўзгача. Шу боис ҳам бугунги кунда мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ёшлар ижтимоий фаоллигининг онтогенезига (инсонни индивидуал ривожланиш жараёнига) эътибор қаратсак, инсон дунёга келар экан (илк чақалоқлик даврида), унда ҳали ҳеч қандай алоҳида белги кузатилмайди. Уни шахс сифатида ижтимоий муҳит тарбиялаб, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий институтларнинг иштирокида ривожланади. Фуқаро сифатида эса, уни давлат тарбиялаб, ўз ҳимоясига олади. Бу жараёнда бошқа институтларнинг родини пасайтирмасдан, сиёсий институтлар уни фуқаро сифатида шаклланишида бевосита иштирок этиб, фуқаролик позициясини ифодалашда шароит муҳайё этади. Демак, ижтимоийлашув жараён сифатида узоқ вақт давом этади. Ижтимоийлашув – кенг маънода, индивиднинг ворисийлик тамойилига амал қилиб, ўзидан аввалги аجدодларининг ҳаётий тажрибасига таяниб, уни бойитиш орқали жамиятга кириб бориши, ижтимоий ролларни ўзлаштириш воситасида шахсга айлана боришни англатади. Бу жараёнда, масалан, оила бир қатор вазифаларни жумладан генератив (репродуктив), иқтисодий, ижтимоий-хўжалик, оила аъзоларининг меҳнатга лойиқлигини сақлаш, рекреацион (қайта тиклаш) ва психотерапевтик каби вазифаларни муваффақиятли бажариши лозим.

Замонавий таълимнинг вазифаларидан бири ёшлар ўртасида ижтимоий фаоллик ва толерантликни ривожлантиришдир<sup>16</sup>. Айрим ёшлар ўзгаларнинг фикрини тушуна олмаслиги ва тушунишни истамаслиги борасида қийинчиликларга дуч келинади. Улар рўпараларида ўз фикрлаш ва ҳатти-ҳаракат тарзига эга инсон турганлигини ҳатто тасаввур ҳам этолмайди. Кўпинча, улар бошқаларга ўз фикрини ўтказишга интилади, бундан ташқари, улар бағрикенглик масалаларида саводсиздир. Ўқувчилар бағрикенглигини шакллантириш дарс жараёнида мулоқотда ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойилларидан фойдаланиш яхши самара

<sup>15</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – Эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир -Т.: Ўзбекистон, 2018.7-б.

<sup>16</sup> Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари -Т.: 2006. 18-б.

беради<sup>17</sup>. Жамият ёшлари ижтимоий фаол бўлиши учун мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мавжуд халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, ёшлар сиёсатини амалга оширишни таъминлайдиган қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегияси бешинчи устувор йўналишларидан келиб чиқиб, жамиятимиздаги барча табақа кишилари ва алоҳида шахслар онгига ижтимоий фаоллик ва бағрикенгликнинг моҳиятини сингдириш ва ўзлаштириш ишларига яна ҳам кенгроқ имкониятлар яратилиб, амалиётга жорий этилаётгани диққатга сазавордир.

Инсон ўзининг юксак ахлоқий фазилати орқали воқеликни қай даражада акс эттириши ва у тўғрисида фикр-мулоҳазаларини чуқурлаштириш асосида тобора ўз-ўзини чуқурроқ ва аниқроқ кашф этиб боради. Яъни инсоннинг “ахлоқий фазилати” биринчи навбатда унинг ўзлигини англашга қаратилган бўлади. Инсоннинг маънавий жиҳатдан етуқлиги асосан инсонпарварлик даражаси билан белгиланади. “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар тамонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда”<sup>18</sup>. Бу жараён эса инсоннинг ўзлигини билишга бўлган интилиш давомида тўплаган кундалик ва илмий даражада шаклланган назарий билимлар ва ҳаётий-амалий тажрибалари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қадимги юнон донишманди Арасту “киши билимлари туфайли ўзининг асосий инсонлик моҳиятини амалга оширади ва бу унинг барча энг элементар хатти-ҳаракатларидаёқ намоён бўлиб туради”<sup>19</sup> деган эди. Шунингдек, у инсоннинг бутун мавжудлиги, барча хатти-ҳаракатларидан мақсади – ўз моҳиятини амалга оширишидан иборат бўладиган (eudaimonia)га, яъни энг олий бахт-саодатга эришувдир, деб таъкидлайди. Моҳиятан руҳ (жон)дан иборат бўлган инсоннинг бахти эса унинг тафаккурида ва билимидадир. Инсон ўз эҳтиросларини ақлга бўйсундириш орқалигина маънавий камолотга эриша олади, деган фикрларни ҳам олға сурган эди. Бу ҳолат инсон психологиясидаги “Мен”концепцияси билан боғлиқ.

Юқорида баён қилинганлар фикрларни қуйидагича асослаш мумкин: биринчидан, Шарқ маънавияти ва Ғарб маданиятининг ижтимоий тараққиёти ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, авлодлар томонидан яратилган маънавий маданий мерос замонлар оша ворисийлик асосида умуминсоний қадриятлар сифатида баҳоланиб келмоқда. Иккинчидан, маънавий-маданий қадриятлар нафақат халқлар ва миллат манфаатларига хизмат қилиш билан бирга уларнинг менталитети, объективлашган, индивидуаллашган борлигининг маҳсулидир. Шу маънода, Шарқ ахлоқи тамойилларининг ўзига хос хусусияти Ғарб “маданияти”га ижобий таъсир кўрсатиши орқали бойиб бормоқда. Учинчидан, ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириб, шарқона

<sup>17</sup> Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари -Т.: 2006. 156-б.

<sup>18</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 114-б.

<sup>19</sup> Аристотель. Метафизика. Сочинения. М.: 1980. 1 т. 1. 65 – б.

қадриятлар орқали ўзлигини сақлаб, Ғарбнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштириши билан умуминсоний қадриятлар сифатида қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда Ғарб бошидан кечираётган маънавий инқирозга Шарқ маънавияти, ахлоқий қадриятларидаги руҳий покланиш орқали ижобий таъсири ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятларини, маънавиятини, ижтимоий йўналишларини ўрганиш ва шу асосда мамлакатнинг янада уйғун ривожланган авлодини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, маънавият, ижтимоий йўналишлар” мавзусида социологик тадқиқот сўровлари ўтказилди. Кўриниб турганидек, 2017 йилдаги сўровда ёшлар ўз халқининг тарихини билиш, миллий анъаналарни ҳурмат қилиш,

ҳалоллик кабиларни ахлоқий асослари сифатида аниқ белгилаб, иккинчи томондан эса, миллий ғурур туйғусининг ривожланганлиги, инсон қалбининг поклиги, камтарлик ҳамда миллий ва диний бағрикенгликни ёшлар маънавиятини белгилаб берувчи хусусиятлар сифатида ажратиб кўрсатишган<sup>20</sup>.

Хуллас, биринчидан, ёшларни ижтимоий қарашларига, хулқига, қизиқишига, дунёқарашига ва бошқа жиҳатларини ўрганишда муайян давр, шарт-шароитларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб баҳо бериш талаб қилинади. Иккинчидан, ёшларни ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганиш. Учинчидан, ёшларнинг ҳар томонлама маънавий тафаккур тарзи ривожланиб боришини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, муҳитнинг ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасидаги доимий боғлиқликни динамик ўрганиш. Дарҳақиқат, ёшлар жамиятнинг энг катта ва ҳаракатчан қисми ҳисобланар экан, уларни ҳар доим ўрганиб бориш замоннинг долзарб масалалари сирасига киради.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтириш муаммолари” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда фуқаролик ва ёшлар институтининг ўзаро алоқадорликда ривожланиши, ҳозирги давр ёшларининг ижтимоий-маданий тараққиётини таъминлашдаги ўрни ҳамда мамлакатимизда ёшлар фаоллигини оширишнинг истиқболли йўналишлари асосида таҳлил этилган.

Ҳозирги жамиятда миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини янада ривожлантиришда ёшларнинг ўрни жуда муҳимдир, чунки янги фикрга эга ушбу гуруҳ иқтисодиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади ва ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлай олади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этганлиги сабабли ҳам ушбу қатламга алоҳида

---

<sup>20</sup>Қаюмов Ў., Гулямов Б., Сектов М. Ёшлар ва маънавият // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари, 2017. №4 (80)-131-133-бетлар.

эътибор қаратилмоқда. Бугунги давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Ватанимиз тараққиёти ва равнақи йўлида фаол иштирок этиш борасидаги доимий саъй-ҳаракатлари юксак миллий ўзини англаш ва давлат ва миллий давлатчилигидан фахрланиш туйғусига эга ёшларимиз бундан буён ҳам ўзларини ҳимоя қилиш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилишларига ишонч билдирилмоқда. Ёшлар ўз вақтида ҳуқуқ ва эркинлик тўғрисида етарли даражада сабоқ олишлари, бугунги сиёсатдан мунтазам хабардор бўлишлари, ўз халқларининг ўтмиши ва бугунги тарихини ўқишлари ва ўз Ватани, миллати, тили ва маданияти билан фахрланишлари керак.

Мамлакатимизда ёшлар нафақат қувонч ва бахт манбаи, балки бунёдкорлик, Ватанни ободонлаштириш, турли гуруҳлар ва қатламларнинг ёрдами ва ҳамкорлиги соҳасидаги ишларининг фаол қатлами эканлигини чуқур англаш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотларни самарадорлиги мамлакатимиз ёшларининг билими ва ижодий салоҳиятига таянади. Чунки ҳозирги шароитда ёшлар замонавий дунёнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеликларига тезроқ ва яхшироқ мослаша оладилар ва фуқаролик жамиятини барпо этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшадилар. Ёшлар ўз миллатининг қадимий тарихий ва маданий анъаналарининг давомчиси, буюк ташаббусларнинг манбаи, янги ғояларнинг манбаи, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ва келажак тақдирининг яратувчисидир.

Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтириш мақсадида миллий иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш, инсон салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш авлодни замонавий технологиялар ва инновациялардан самарали фойдаланган ишлаб чиқаришни жараёнини янада такомиллаштириш, давлатнинг ёшларга оид сиёсатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг иқтисодий фаоллигини янада ошириш, ёшлар тадбиркорлиги, бизнесини қўллаб-қувватлаш ва инвестиция тизимини такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ёшлар фаоллигига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда 2016 йилда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳалар билан бир қаторда, ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. Истиқлол йилларида республикаимизда ижтимоий соҳага йўналтирилган ҳаракатлар ҳажми 5 баробар кўпайтирилди. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларидаги вазифалар ижросига йўналтирилмоқда. Жамият ижтимоий соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири таълим-тарбия соҳаси бўлиб, унинг ривожини сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга бевосита таъсир этади ҳамда ижтимоий соҳалар меъёрий моҳиятини, камолот даражасини белгилаб беради.

Мамлакатимизда ёшлар фаоллигини оширишнинг истиқболлари йўллари аввало таълим ва фан соҳасини ривожлантириш билан узвий боғлиқ. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати маъно-мазмунидан

ва унинг долзарблигидан келиб чиқиб, уни қўйидагича изоҳлаш мумкин: Биринчидан, янги таълим тизими, баркамол авлод кадрларни тайёрлашдаги ўзгаришлар ва янги ёндашувлар, замонавий касб соҳаларининг пайдо бўлгани ҳамда унинг мамлакатимиз шароити билан боғлиқлигидир; Иккинчидан, таълим тушунчаси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида муайян даврдан бошлаб, инсон фаолиятининг алоҳида мустақил соҳасига айланиб, жамиятнинг ижтимоий тажрибасини кейинги босқичга узатади; Учинчидан, таълим инсон шахсининг интеллектуал маънавий қирраларини шакллантириш, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, маърифат ҳамда билим беришни англатади; Тўртинчидан; фан жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлиб, табиат ва жамият ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли. У катта илмий салоҳиятни, ижодий куч-қувватни бирлаштириб, маънавий баркамол инсонни тарбиялашга, мамлакатда қудратли илмий салоҳиятни яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси, авваламбор, замон талабига жавоб бера оладиган кучли билим ва малакага эга бўлган маънавий баркамол кадрларга боғлиқ эканлиги аён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан етук қилиб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони асосида 2017-2021 йилларга мўлжалланган кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга оширишни кўзда тутадиган мазкур қарор ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли бўлиб камол топиши йўлидаги муҳим ҳужжатдир. Унда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш белгиланган. 2200 мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда янги мактабгача таълим муассасалари қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, жиҳозлар, ўқув-методик қўлланма ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш режалаштирилди.

Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида ёшларга ўз билимларини мустақил тўлдира билишни, ўз ҳаётини баҳолашни ва йўлга қўйишни, бениҳоя кўп ва ўзгарувчан ахборот тизимида мўлжал ола билишни, онгида профессионализм ва билимдонликни мустаҳкамлашни ўз тафаккури асосларини шакллантиришни ўргатиш муҳим. Мазкур муассасалар жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, аҳолининг, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини оширишга кўмаклашиб келишмоқдалар. “Аmmo ана муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир

аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти”, деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида<sup>21</sup>. Бугун ёшларимиз ижтимоий-сиёсий жараёнларни кузатиши ва фаол иштирок этиши, жамиятнинг асоси бўлган қонун устуворлигини билиши, унга итоат этиши ва ҳурмат қилиши, фуқаролик бурчини англаб етиши лозим.

Диссертациянинг **“Фуқаролик жамиятида ёшлар фаоллигини юксалтириш омиллари”** деб номланган учинчи бобида ёшлар фаоллигини ошириш - фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий йўналиши эканлиги атрофлича ўрганилиб, ёшлар фаоллигини оширишда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ҳамда глобаллашув шаротида ёшлар фаоллигини оширишга муносабатларнинг идентификациялашуви илмий асосланган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, замонавий шароитда фуқаролик жамияти ҳар қандай демократик, ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий давлатнинг муҳим элементи бўлиб, у асосан инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун муносиб шарт-шароит яратиш беради. Шунинг учун давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик жамият, давлат ва бутун мамлакат фуқаролари манфаатларига мос келади, бу норматив ҳужжатларни қабул қилиш билан тартибга солинади.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини фуқаролик жамиятининг институтлари – сиёсий партиялар, ўзини-ўзи бошқариш, нодавлат, жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари мажмуаси ташкил этади. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доираси ёхуд белгиланган фаолиятлари у ёки бу томонга озгина ўзгариши натижасида ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниши, четга чиқиб кетиш ҳоллари содир бўлиши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги тараққиёт амалиёти кўрсатди.

Фуқаролик жамияти шаклланган мамлакатларда нафақат инсон эркинлиги, давлатнинг жамият учун хизмат қилиш масъулиятининг юксаклиги, ўзини-ўзи бошқаришнинг авж олиши каби қадриятларга амал қилинади, бу жамиятларда инсон фаровонлигини ҳар томонлама таъминлаш соҳасида ҳам мислсиз натижаларга эришилмоқда. Жаҳондаги мамлакатлар ўртасида ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача киши бошига тақсимланишида ҳам фуқаролик жамияти шаклланган мамлакатлар пешқадамлик қилишмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, инсон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар бағридагина ўзининг яратувчилик қобилиятини тўла намоён қила олади.

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.:Ўзбекистон, 2018. 35-б.

